

НУТҚИЙ ТАЪСИРЧАНЛИКДА НОЛИСОНИЙ ВОСИТАЛАР

Самигова Хушнуда Ботировна

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори (DSc)

Тошкент ш., e-mail: kabsam@yandex.ru

Жураева Ш. УЗДЖТУ Таржимонлик факултети талабаси

Зокирова М. УЗДЖТУ Таржимонлик факултети талабаси

Умаралиева Р. УзДЖТУ Таржимонлик факултети талабаси

Калим сўзлар: инглиз ва ўзбек тиллари, диалог, риторика, паракинетика, лисоний воситалар, нутқ таъсирчанлиги, нолисоний воситалар, суҳбатдоши, мулоқот.

Товушлар тилшуносликнинг фонетика бўлимида ўрганилади. Лекин нутқ таъсирчанлигини кучайтирувчи воситалар қаторида парафонетик воситалар ҳам ўрин эгаллаган. Чунки товуш тембри, товушнинг юқори ёки пастлиги, унинг майнинлик ёки қўйполлик, бақириқ ёки пицирлаш орқали ифодаланиши, хатти-ҳаракат, имо-ишора ва шу кабилар нутқ таъсирчанлигининг ошишига хизмат қилувчи воситалар ҳисобланади [1, б. 116].

“Нолисоний воситалар” термини паралингвистик воситалар номи билан ҳам аталади. Г.Л. Трегер (G.L. Trager) паралингвистиканинг парафонетикага оид бўлимини 2га: *тovushning sifati* (бунга товушдаги шовқин, овоз тонининг баланд ёки пастлиги, темп, артикуляция, ритм ва бошқалар киради) ва *вокализация* (бунга кулгу, йифи, пицирлаш, эснаш ва бошқалар киради) гурӯхига бўлиб ўрганади [2, б.18]. Д.А. Абдуазизованинг эътирофига кўра, парафонетикага тил бирлиги бўлмаган, нутқ жараёнида унинг эмоционал ва экспрессивлиги учун хизмат қилувчи воситалар киради [3, б.31-96].

Паралингвистик воситалар парафонетик (турли вокализациялар, товушнинг сифати, ҳис-ҳаяжонли ифодалар ва бошқалар), паракинесик (хатти-ҳаракатлар, имо-ишоралар, тана ҳаракатлари) ва параграфемик (ёзма нутқда қўлланилувчи график белгилар, шакллар, тимсоллар) каби уч турга бўлинади.

Улар нутқ таъсирчанлигининг ошишига, ҳис-ҳаяжоннинг ифодалашда катта аҳамият касб этиши билан характерланади [3, б. 8-33].

Паракинесика тана хатти-харакатлари, имо-ишораларни бевосита нутқий жараён билан боғлаб ўрганади. Шундай имо-ишоралар борки, улар умумий бўлиб, барча маданият эгалари учун бирдек тушунарли бўлади.

Айнан инглиз ва ўзбек халқларининг новербал харакатларни ифода этишдаги фарқли жиҳатларига эътибор қаратсак, бунда ўзбекларда саломлашиш одоби бир-бирини қучиш, ўпиш, қўлни кўксига кўйиш, сўзловчининг елкасини қоқиши (асосан ёши катта аёл киши ёши ўзидан кичик эркак киши билан сўрашганда) каби хатти-харакатларда амалга оширилиши билан изоҳланади. Инглиз халқида эса саломлашиш қўл бериб кўришиш, эркак киши томонидан аёл кишининг қўлини ўпиш, бош кийимни ечиб бошни озгина эгиш каби хатти-харакатлар орқали амалга оширилади.

Инглиз ва ўзбек халқларининг мулоқот чоғидаги маълум бир хатти-харакатларини қиёслашда айрим инглиз олимларининг тадқиқотида келтириб ўтилган маълумотларга ҳам асосландик [4, б. 11-18]. Бунда масалан, “билолмадим” деганда икки елкани юқорига кўтариш, “эсимдан чиқди-я” деганда бошни ушлаш, қашлаш, “Эсинг жойидами?” деганда кўрсаткич бармоқни бошнинг чекка қисмига қўйиб қисман айлантириш каби новербал харакатларнинг ифодасида ўхшашлик мавжудлиги кузатилди. Эркалаганда бошни қўл билан силаш, “бери кел” деганда кўрсаткич бармоқ билан чакириш, хайрлашганда қўл силташ, “бер” деганда қўлни узатиш, жаҳл чиққанда муштни кўрсатиш, сўз сўзламоқчи бўлганда қўл кўтариш, ҳайрлашганда юзидан ўпиб кўйиш, бирор ўйинда ютганда гурӯҳ аъзолари билан қўл уриштириш, кишиларга хурсандчилик, меҳр кўрсатишда уларни бағрига босиш каби харакатлар мазкур халқлар маданиятидаги умумий жиҳатларни намоён этади.

Сұхбатдошли маълум бир фаолиятга ундаш, қизиқтириш ва ишонтиришда паракинетик воситалар ўзига хос аҳамиятга эга. Тадқиқотимиз, асосан, диалогик нутқни тадқиқ этишга қаратилган бўлса-да, қуйида монологик нутқдан ушбу мавзуга хос бир парча келтириб ўтишни ўринли деб биламиз:

“Азиз дўстлар!

Нима керак бўлса, айтинг, ҳаммасини қилиб берамиз. Лекин, азиз оналар, она-сингиллар, отахонлар, дўстлар, укажонлар, мен президент бўлсан ҳам сиздан тиз чўкиб сўрайман, илтимос қиласман: шу масалада ёрдам беринг!.. [5, 6. 20]”

Келтирилган мисолда *сиздан тиз чўкиб сўрайман* жумласи орқали нутқ таъсирчанлигининг юқори даражага кўтарилигани кузатилади. Қуйида диалогик нутққа оид мисол келтирамиз:

Andrew dropped to his knees before her; took her hands and said, most earnestly, “Mary, in God’s name be thankful he didn’t! That’s a hideous thing for a man in the prime of life to have to know... I’d say that sparing him that horrible knowledge was the one thing we can thank God for...”

Mary whose eyes fixed upon his, had shown increasing shock and terror, now she said: “Don’t mind. Don’t be sorry. I understand. You are right. [6, 136]”

Мазкур мисолда сўзловчи тиз чўкади, сухбатдошнинг қўлларини ушлайди ва ушбу ҳолатда нутқ сўзлайди. Шу йўл билан уни тинчлантиришга ундейди. Сўзловчининг тана ҳолати нутқнинг янада таъсирчан ифода этилишига сабаб бўлади. Худди шу қаби ҳодисани ўзбек тилида ҳам учратиш мумкин:

– Мунча менга тикилиб қолдинг? – деди Нигора ажабланиб.

Ҳилола шаҳд билан ўрнидан турди-да, Нигоранинг қарисида тиз чўкди.

– Нигора, азизим, жон синглим! Сендан ўтиниб сўрайман, игна санчишини бас қил! Ҳали кеч эмас! Биламан, сенда иродабор, сен кучлисан! Кўлингдан келади. – **Ҳилола синглисининг қўлларини маҳкам сиқаркан, қўзларидан “дув” этиб ёши тўкилди.** – Ўтиниб сўрайман, ташла бу ифлосликни, ўзингни қўлга ол, мен сенга ёрдам бераман! Ахир ўзингга бир қарагин, қандай гўзал, қандай чиройлисан! Сен учун ҳамма нарсани қиласман. Менга сўз бер, сафардан қайтишим билан сени даволатгани олиб бораман...

Нигоранинг қўзларига ҳам ёши қалқиди. Опасини ўрнидан турғазиб

оромкурсига ўтқазди, сўнг оишонадан бир пиёла сув олиб келиб тутди.

— Яхии. Сўз бераман! — Кўз ёшини артиб, шивирлади у [7, б. 43]...

Ушбу мисолда тиз чўкиб ялинини, сухбатдошнинг қўлларини маҳкам қучиб сўзлаши, ийглаш каби паралингвистик ҳаракатлар ифода этилган. Мазкур хатти-ҳаракатлар сухбатдошни ёмон йўллардан қайтаришда, нутқнинг унга янада таъсир қилишида аҳамият касб этади.

Юқоридаги мисоллардан маълум бўладики, ҳар икки тилга оид диалогик риторикада тиз чўкиб илтимос қилиш нутқ таъсирчанлигининг янада кучайишига сабаб бўлади ва мазкур кўриниш диалог риториканинг умумийлик хусусиятларини кўрсатади.

Диалогик риторикада қўл имо-ишоралари ўзига хос ижобий ва салбий хусусиятларга эгалиги билан характерланади. Масалан, қўл билан ҳавони кесиб гапириш, кафтни столга уриш, қўлни мушт қилиш, кўрсаткич бармоқни нуқиши, кафтни ҳамсухбат юзига яқин келтириб: “*Бир дақиқа! Мен ҳали гапимни тугатганим ийӯқ!*” дейиш, ундаги сухбатга бўлган иштиёқни ўлдиради. Оқибатда, сухбатдош сўзловчидан узоклашишга ҳаракат қиласи [8, б. 35]. Диалогик риторикада юқорида қайд этилган салбий ҳолатлардан йироқ бўлиш, қўл имо-ишораларидан ўз ўрнида фойдаланиш қўллаб-куватланади. Қуйидаги мисоллар орқали фикримизни изоҳлаймиз:

“*What are you going to do if you don't get work?*” “*Go back home, I guess.*” “*No,*” he said, “*you can't make it!*”... “*Let me help you. You take some of my money.*” “*Oh, no!*” she said, leaning back. “*Come on,*” he said, “*I'll see you through all right. Get yourself some clothes.*” ...*She had her hand out on the table. They were quite alone in their corner, and he put his large, warmer hand over it.* “*Aw, come, Carrie,*” he said, “*what can you do alone? Let me help you.*” *He pressed her hand gently and she tried to withdraw it. At this he held it fast, and she no longer protested.* Then he slipped the greenbacks into her palm, and she began to protest, he whispered. “*I will loan it to you – that is all right. I will loan it to you.*” *He made her take it. She felt bound to him by a strange tie of affection now* [9, б. 86].

“*I don't believe you ever intend to marry me, Charlie,*” Carrie said ruefully...

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

“Oh, yes I do – course I do – what put that into your head?” He stopped trifling before the mirror now and crossed over to her. For the first time Carrie felt as if she must move away from him. “... It takes money to live as I want to... Don’t worry, girlie.” **He patted her reassuringly upon her shoulder...** “You never will.” “Well, you wait a little while and see, I will marry you all right, he said.” Carrie looked at him and felt justified. She was looking for something which would calm her conscience, and here it was... He had faithfully promised to marry her... “Wednesday. We will go, won’t we?” “If you think so. [9, б. 165]”

Мисолларнинг ҳар иккисида ҳам сўзловчилар ўз сухбатдошларининг қўлларини меҳр билан ушлаш, сиқиш, елкасини қоқиш каби хатти-харакатлар орқали уларни маълум бир фаолият томон ундаши ифодаланган.

Инглизлар қўрсаткич бармоқ устига ўрта бармоқни қўйиб чалиштириш орқали сухбатдошни нутқ мақсади сари чорлайдилар. Масалан:

Lisa: Mom, remember when I was little, we'd always planned my dream wedding and you always promised to keep Dad from ruining it, you know?

Marge: (crossing her fingers) Oh, don't worry, honey, I guarantee your father will behave [10].

Келтирилган мисолда сўзловчи тингловчига *I guarantee your father will behave* (мен кафилман, даданг тўйингизни бузмайди), деб уни ишонтирас экан, у икки бармоғини бир-бирининг устига қўяди (*crossing her fingers*). Ушбу харакат яхшиликка умид қиласман деган маънони англатади. Сўзловчи ҳам вербал, ҳам новербал воситалар орқали сухбатдошни тинчлантиришга ундаиди. Бу каби паралингвистик ҳодиса ўзбек тилида учрамайди. Лекин Интернетдаги манбаларда инглиззабонларнинг ушбу хатти-харакатлари борасида маълумотлар келтирилади [11].

Ўзбеклар эса қўлни қўксига қўйиш, сухбатдошнинг елкасини қоқиш каби харакатлар орқали уни маълум бир фаолиятга ундаидилар, уларни ишонтирадилар. Масалан:

- Сиз қўпам қайғурманг, – дедим секин.
- Нега?

- Аввало унчалик уялишига ўрин йўқ. Қолаверса...
- Нима, қолаверса?

Мен унинг кафтларини силаб тинчлантиришига уриндим:

- Қолаверса, почча уламодан фатво бўлмагунча ким бу ишига бош қўшиади, деганмисилар...

Ўртага сукунат чўкиб, у миқ этмай қолди [12, б. 64].

- Хайриддин! Танқда омбур бор, олиб келинг, жон дўстим!

Хайриддин худди ўзиннинг жони оғриётгандек юзимни силади.

- Сабр қилинг, жўражсон! Дардни берган Худо давосиниям беради.

Тажсангланиб турганимни кўриб юпатди:

Ҳафа бўлманг, жўра, насиб этса, ҳаммаси изга тушиб кетади. Тии оғриги, кўз оғриги – қутлуғ дард. Ухланг жўра! [13, б. 86]...

Келтирилган мисолларда сўзловчилар сухбатдошларнинг кафт ва юзини силаш орқали уларни тинчлантиришига ундейдилар. Қуйида яна бир мисол келтирамиз:

- Уни синаб кўриши керак! – деди орқа ўриндиқда ўтирган одам, машина жилгач.

–Хўп, ака, хўп! – жилпанглади Абдулла, орқасига ўгирилиб. – Ҳаммасини ўзим “есть” қиласман, менга ишонаверинг, акажон. – Қўлини қўксига қўйди Абдулла [7, б. 10].

Юқоридаги мисолда сўзловчи қўлини қўксига қўйиш орқали сухбатдошни ўз сўзларига ишонтирумокда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар икки тилга оид диалогик риторикада тиз чўкиб илтимос қилиш нутқ таъсирчанлигининг янада кучайишига сабаб бўлади ва мазкур кўриниш диалог риториканинг умумийлик хусусиятларини кўрсатади. Диалогик риторикада қўл харакатлари нутқий таъсирчанликнинг ортишига хизмат қиласми ҳамда улар тадқиқ этилаётган тилларда ўзига хос миллий хусусиятларга эгалиги билан характерланади. Ҳар икки хилқнинг турли динга эътиқод қилиши, тарбия, одоб-ахлоқ каби тушунчаларга турлича ёндашиши диалогик риторикада ҳам ўз аксини топади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Киселева Л.А. Вопросы теории речевого воздействия. – Л.: Изд. ЛГУ, 1978. – С. 116.
2. Trager G.L. Paralanguage: a First Approximation / Studies in Linguistics, 1958, V. 13. – С. 18.
3. Абдуазизова Д.А. Сравнительно-типологический анализ паралингвистических средств: Дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент: НУРУз им. Мирзо Улугбека, 1997. – С.8-33.
4. Seviour M. Word Wise. – Tashkent: Sharq, 1997. – Р. 11-18.
5. Каримов И. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б. 20.
6. Agee J. A Death in the Family. – New York: Vantage Books, 1985. – Р. 136.
7. Каримова Л. Мұхабbat изтироблари. – Т.: Faafur Fулом номидаги Нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004. – Б. 43.
8. Йўлдошева М. Муваффақият калити. Расмий муомала маданияти, яхши таассурот уйғотиш йўллари, раҳбарлик санъати. –Т.: Yangi asr avlodi, 2004. – Б. 35.
9. Dreiser Th. Sister Carrie. – Moscow: Higher School Publishing House, 1968. – Р. 86.
10. <http://tv tropes.org/pmwiki/pmwiki.php>Main\ Lying Finger Cross>
11. <http://www.buzzle.com/articles/origin-and-meaning-of-the-crossed-fingers-gesture.html>
12. Мансур Мурод. Жудолик диёри. – Т.: Шарқ, 2006. – Б. 64.
13. Ҳошимов Ў. Ҳадикли тушлар. – Т.: Faafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – Б. 86.
14. Аббос Сайд. Беш кунлик дунё. – Т.: Шарқ, 1996. – Б. 150.